Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

## ЧЕМПИОНАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ҳиндистонда шахмат бўйича эркаклар ва хотин-қизлар иштирокида жамоалар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида қитъамизнинг етти мамлакатидан ўн олти терма жамоа ғолиблик учун куч синашмоқда.***

Эркаклар ўртасидаги беллашувларнинг тўртинчи турида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Афғонистон шахмат усталари билан куч синашди. Терма жамоамизнинг энг баланд рейтингли ўйинчиси сифатида биринчи тахтада дона сурган гроссмейстер Темур Гареев рақиби Ҳайбар Фаразийни мағлубиятга учратди.

Яна икки нафар гроссмейстеримиз – Сайдали Йўлдошев Анит Тахахни, Марат Жумаев эса Ҳабибулло Фидоийни мот қилди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Филиппов Азиз Шарифийга қарши ўтказилган партияда рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади – 4:0.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕК БОКСЧИСИ ҲАММАДАН КУЧЛИ



**Профессионал бокснинг энг нуфузли йўналиши – Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) дунёнинг энг кучли чарм қўлқоп усталарининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Мазкур йўналишда рингга чиқаётган ўта оғир вазн тоифасидаги боксчилар ўртасида ўзбекистонлик Руслан Чагаев жаҳон чемпиони сифатида рўйхатнинг энг юқори поғонасида қайд этилди.

Ундан кейинги кучли учликни эса собиқ жаҳон чемпионлари – россиялик Николай Валуев, беларуслик Сергей Ляхович ва америкалик Жон Руиз ташкил қилди.

Айтиш жоизки, Жаҳон бокс уюшмаси қарорига кўра, Руслан Чагаевнинг олтин камарига расмий даъвогар рейтингда дастлабки икки поғонани эгаллаб турган Николай Валуев ҳамда Сергей Ляхович ўртасидаги жангда маълум бўлади. Мазкур учрашув 16 февраль куни Германияда ўтказилади.

Руслан Чагаев жаҳон чемпиони сифатида биринчи жангини Буюк Британия вакили Мэтт Скелтонга қарши ўтказади. Ҳамюртимизнинг чемпионлик камари учун ўтказиладиган беллашув 19 январь куни Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги "Burg-Waechter Castello" спорт мажмуида ташкил этилади.

Айни пайтда Р. Чагаев ва М. Скелтон жанги дунё бўйлаб кўплаб мухлису мутахассислар эътиборида турибди. Чунки профессионал боксчилик фаолиятида ҳали мағлубиятга учрамаган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси рингда ҳар қандай рақибни мағлуб этувчи тактик ва техник тайёргарликка эга боксчи сифатида шуҳрат қозонган.

Мэтт Скелтон ўзи ғалаба қозонган 21 учрашувдан 18 тасида рақибларини техник ва соф нокаутга учратган. Британиялик боксчи фақат бир маротаба – собиқ мутлақ жаҳон чемпиони Майк Тайсонни ҳам мағлубиятга учратган Дэнни Уильямсга очколар ҳисобида ютқазган. Русланнинг рақиби Жаҳон бокс уюшмаси рейтингида кучли ўн бешталикдан жой олган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**




## ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

***Республика киночилар уйида "Ўзбеккино" миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида тасвирга олинган "Юнус Ражабий" ҳамда "Сўнмас юлдуз ёғдуси" ҳужжатли фильмларининг премьераси бўлиб ўтди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий маданиятимиз, санъатимиз, илм-фанимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшган ижодкорлар хотирасини эъзозлаш, фаолиятини чуқур ўрганиш, бой маънавий меросини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Юнус Ражабий, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий сингари маданият ва фан арбобларининг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий миллий мусиқа санъатимизнинг янада равнақ топишида бекиёс ҳисса қўшган ижодкордир. Хассос ижодкор томонидан нашр этилган "Ўзбек халқ мусиқаси", олти жилдли "Шашмақом" сингари умрбоқий асарларда ўзбек куй ва қўшиқлари, мақомлари жамланган.

Ҳожимурод Валиев ва Ҳасан Ражабий сценарийси асосида оператор Абдулла Тўлаганов суратга олган "Юнус Ражабий" фильми санъаткорнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Адабиётшунос Наим Каримов сценарийси асосида режиссёр Умид Ортиқов ва оператор Музаффар Абдуллаев суратга олган "Сўнмас юлдуз ёғдуси" фильми атоқли олим, педагог, Ўзбекистон фан арбоби Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ҳақида. Олим элементар ва олий математика бўйича ўзбек тилидаги илк дарсликлар ва Ватанимиз тарихига оид кўплаб илмий ишлар муаллифидир. Фаннинг турли йўналишига юзлаб иқтидорли мутахассисларнинг кириб келиши ва шаклланишида ҳам олимнинг хизматлари катта бўлган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Биласизми?

### ОЛОВ БАЙРАМИ



Таиландда ҳар йили олов байрами ўтказилади. Унда иштирок этган артистлар қўлларида олов билан рақс тушиб, ҳайратомуз томошалар кўрсатадилар. Бу байрамда томошабинлар бўлмайди. Оддий шаҳарликлар қўлларида махсус идишларда шамларни ёқиб юрадилар. Таиланд кўчалари шу куни чароғон тус олади. Тун бошланиши билан одамлар соҳилга келиб, махсус идишлардаги шамларни сувга оқизишади. Минглаб шамлар сув узра сузиб юради. Кимнинг шами ёнганича олисларга сузиб кетса, келгуси олов байрамига қадар уни омад тарк этмайди. Айниқса, ишлари юришиб кетишини истаган, фарзанд кўриш иштиёқида бўлганлар, беморлар, ногиронлар ўзларининг тилакларини айтиб, ёниб турган шамларни сувга оқизадилар. Сеҳргарлар, башоратчилар шу куни оловга сиғиниб, ўз мижозларининг тилакларини етказадилар. Олов байрами Таиландда миллий байрам ҳисобланади.

### ЭЛЕКТР ҚИЗ



Жанубий Вьетнамнинг Киензани вилоятида яшовчи тўққиз ёшли қизалоқ Хонг Вьет Тхи ҳам бошқалардан фарқ қилмасди. Унинг ички хислати кейинчалик маълум бўлиб қолди.

Ўша куни қизалоқ уйни йиғиштирарди, отаси кундалик газеталарни ўқиб ўтирарди. Хонг Вьет Тхи телевизор чангини артаётганда чирсиллаган овоз эшитилди. Аввалига қизалоқ ҳам, отаси ҳам ҳайрон бўлишди. Телевизор ўчирилган. Қизалоқ телевизорни артишда давом этар экан, қўллари ва экран орасида электр заряди пайдо бўлганини пайқаб қолди. Шундан сўнг бу нотабиий ҳолдан хавотирга тушиб, ота-онаси мутахассисларга мурожаат қилишди.

Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, қизалоқнинг танаси маълум миқдорда электр энергияси чиқараркан. Эндиликда Хонг Вьет Тхи бемалол симни бир учидан ушлаб, иккинчи учига ўрнатилган лампочкани ёқа олади. Қизалоқнинг вужудида электр энергияси қандай пайдо бўлаётганини мутахассислар шарҳлай олмаяптилар.

### МЕДИЧИ ИХТИРОСИ



Аёлларимиз қоматига қомат қўшиб турувчи пошнали туфли қандай қилиб ҳаётимизга кириб келганлигини ҳамма ҳам билавермайди. 1519-1589 йилларда яшаган ва «қора қиролича» номини олган Екатерина Медичи баланд пошнали туфлилар ихтирочиси ҳисобланади.

Қиролича бўйи ўзидан анча баланд бўлган герцог Анри Валуага турмушга чиқди. Бўлажак Франция қироли Генрих II ўта кўркам ва баланд бўйли йигит эди. Ораларидаги фарқдан ўнғайсиз аҳволга тушган қиролича усталарга пойабзалининг пошнасини баландлатиб беришларини сўрайди. Қироличанинг амри вожиб эди. Екатерина Медичи зиёфатларга баланд пошнали туфлида чиққач, бошқалар ҳам қироличага тақлид қила бошлашди.

**Файзулла АБДУЛЛАЁВ тайёрлади.**

## СЎНГГИ ИЛТИМОС



Шимолий Қутб доираси сиртида, Арктика ерларида ястанган Ямал оролидаги Лабитнанги шаҳри Обь дарёсининг ҳийла кенгайиб, Шимолий муз океанига қўшиладиган ерда жойлашган, ҳеч қандай ишлаб чиқарувчи корхонаси бўлмаган, «Худонинг қарғиши теккан» ер. Аммо, унга қўшни ерларда газнинг жуда бой захиралари бўлиб, уни Европа мамлакатларига етказиш ниятида «абадий музлик» деб аталувчи ерларда узундан узоқ темир қувурлар ётқизилмоқда эди. «Севертрубопроводстрой» компанияси мени тўсатдан Ямалга чақиришининг сабаби ҳам айнан ана шу дастур билан боғлиқ эди.

Халқаро дастур мақомини олган Ямал газларини Европага етказиш лойиҳасининг энг нозик томони абадий музлик деб ҳисобланган ер қаърига қувурлар ётқизилгач, унинг ҳолатидаги ўзгаришлар эътиборга олинмаган эди. Тўрт метр чуқурликдаги зовурларга тушириб, устидан тупроқ ётқизилган қувурларнинг дастлабки бир неча юз километри, газ ўтиши натижасида қизиб, кўмилган ердан қалқиб, юзага чиқиб қолган, «инсон измидан чиққан» бу қувурларни яна зовурларга ботириб, жойлаш муаммосини тезлик билан ҳал этиш керак эди...

Компания бошлиғи Юрий Федорович Кучук шахсан ўзи мени кутиб олди. «Катта ер»да аллақачонлар баҳор келиб, ҳаммаёқ ям-яшил либосга бурканган бир пайтда Лабитнанги кўчалари қатқалоқ муз билан қопланганлиги, одамларнинг ҳали ҳам пўстин кийиб юриши, ярим умри Шимолда ўтган мени ҳам ажаблантирарди.

Газ қувурлари трассасидаги ҳолат билан танишиб чиққач, муаммони ҳал этиш учун қувурлар устига менинг чизмам асосида ясаладиган оғирлиги уч тонналик темир-бетон «эгарча»лардан фойдаланишга келишдик. Бу эса ўз навбатида Лабитнангида темир-бетон заводи қуришни тақозо этди.

– Бу осон масала! – деди ишонч билан Кучук. – Лабитнангида нима кўп лагерлар кўп. Қамоқдагиларга қўшимча иш топиб берамиз.

Эрталабдан лагерлар бошқармасига йўл олдик. Лагерь сўзининг ўзи юрагимга ғашлик солиб, атрофга нохуш боқиб борардим. Хунукдан-хунук, кўримсиз Лабитнанги шаҳри худди немис-фашистлари бир вақтлар қурган концлагерларга ўхшаб кетарди.

Иморатга ўхшамайдиган қурилмалар асосан бир ёки икки қаватли бўлиб, тиконли симлар билан икки қатор ўралганди. Темир дарвозалардан бошланган кенглиги эллик метрли, икки чети тиконли симлар билан чегараланган, қамоқхоналарнинг темир дарвозаларига туташган бу йўлнинг охири кўринмасди.

– Бу йўллар қаерга олиб боради? – сўрадим қизиқиб.

Кучук заҳарханда қилди:

– Қаерга бўларди, жаҳаннамгада. Маҳбуслар уни «Ажал йўли» деб тўғри айтишган. Оч-яланғоч маҳбусларни шу йўлдан кунда «Пристань»га ҳайдаб олиб боришади. У ерда йил давомида Обь дарёсида оқизилган, тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган қарағайларнинг пўстини шилишади, бир ўлчамда кесиб, тахта билан ходалар тайёрлашади. Жуда оғир иш. «Иш кучи»нинг кундаги йўқолиш коэффициенти 0.02 га етган.

– Тушунмадим?

– Бу дегани: кунда ишга чиққан минг маҳбуснинг йигирмага яқини ҳалок бўлади, – деб тушунтирди Кучук. – Дарё Шимолга сув эмас, чамамда ўликларни оқизмоқда.

– Нега бундай? Ўликларнинг кўплигига нима сабаб?

– Очлик, – деди Кучук. – Мана ўйлаб кўр: қамоқда битта маҳбусни бир кун боқишга атиги йигирма тўрт тийин сарфланса, бундай овқатда қандай калория бўлсин-у, витамин қаердан келсин? Шунинг учун шаҳарда биронта изғиб юрган кучук ёки мушукни кўрмайсан. Уларни маҳбуслар тутиб еб қўйишади. Ваҳоланки, қўриқловчи итларни боқишга бир кунда тўқсон тийин сарф бўлади.

Лагерлар бошқармасининг бошлиғи майор Седих Кучукни жуда яхши танир ва ҳурмат қилар экан. Бизни сертакаллуфлик билан кутиб олди. Майорнинг кабинети худди Третьяков галереясидек, ёғли бўёқда чизилган, ялтироқ ёғоч тахта сиртини ўйиб ишланган турли хил суратлар билан безатилган эди.

Бизнинг таклиф Седихга мойдек ёқиб тушди. Истаганча ишчи кучи ва иш майдони билан таъминлайдиган бўлди.

– Маҳбуслар ичида рассомлар ҳам борми? – сўрадим мен девордаги суратларга ишора қилиб.

– Профессор! Худо кўрсатмасин, агар сизни беш йилга бизга юборишса, рассом эмас, ҳатто, шоир ҳам бўлиб кетасиз, – деди майор қандайдир ёввойи завқ билан...

Яхшигина кайф қилиб олган Седих, кўтаринки руҳ билан бизни ўз «хўжалиги» ичида айлантириб, ғайри одатий бир «экскурсия» ташкил қилди. Кишини ҳайратга солувчи суратлар ва ҳайкаллар галереясини, ҳунарлар музейини томоша қилдик. Бир блок олдида тўхтаган майор, сирли жилмайиб, Кучукка кўзини қисди. Кучук бир хўрсиниб, «бошла» деб буюрди. Блок қалин темир қопламалардан ишланган, мураккаб сигнализациялар билан жиҳозланган, ҳар қадамда девдек-девдек соқчилар қўйилган бўлиб, унда фақат ўлимга маҳкум этилган маҳбуслargina сақланар экан. Майорнинг керилиб айтишича, мамлакат бўйича ўлимга маҳкум этилган барча жиноятчилар шу ерга олиб келиниб, навбатма-навбат қатл этиларкан.

Блокка кираверишдаги ўнг эшикни очиб, бизни бошлаган майорнинг юзидан табассум аримай гапирарди:

– Ҳукм ижро этилишига буйруқ олгач, маҳбусни ювиб-тараб, сўнгги йўлга тайёрлаймиз. Унинг саломатлиги, ақли-ҳуши жойидалиги тиббий кўрикдан ўтказилиб, врач ва психологларга имзо қўйдирилади. Сўнгра маҳбусни навбатдаги хонага гўё кўз дўхтирига юборган бўлиб, мана бу «г» ҳарфига ўхшаш эгри йўлакчага йўллаймиз. Бечора маҳбус, ҳеч нарсадан хабарсиз, юриб бориб, йўлакка чиққанида, мана бу хонада яшириниб турган «ижрочи», биз уни содда қилиб «жаллод» деймиз, мана бу туйнукдан маҳбуснинг бошини нишонга олиб...

Баданларим жимирлаб кетса-да, сир бой бермай, уларнинг кетидан аранг судралардим. Майор бўлса ҳар бир камеранинг темир эшигидаги махсус туйнукни очиб, ўзининг сўнгги дақиқаларини кутиб ётган бечоралар билан бизни таништирарди. Улар маъюс кўзларини бизга тикиб, нажот истагандек бўлардилар. Бу маҳбусларнинг қанчаси туҳматдан бегуноҳ ўлиб кетаётганини, баъзиларининг эса гуноҳлари «ўлим жазоси»ни қўллайдиган даражада эмаслигини кўз олдимга келтириб, бошимга оғриқ кирди...

– Бу ерда эса, – деди майор сўнгги камеранинг эшиги олдида тўхтаб, – Мамлакатимизда энг машҳур бўлган қотил Максим Иванович Семенов жаноблари дам олмоқдалар.

«Қотил» сўзини эшитиб, фильмларда даҳшатли қилиб кўрсатиладиган, важоҳатидан ҳар қандай инсон титрайдиган махлуқнамо одамни кўраман деб, шайланиб турсам, камера туйнугидан, жуда озода кийинган, истараси иссиқ, чиройлигина, икки чеккасига оқ оралаган одам бизга жилмайиб қаради-да, майорга юзланди:

– Гражданин майор, ҳукм ижро этилмагунча, мен ҳам сиз каби инсонман. Инсонлик ҳуқуқимни ҳақорат қилиб, исбот этилмаган жиноят бўйича мени ноҳақ «қотил» деб аташингиз ноқонунийдир!

**Аъзам АЗИМИЙ.**

(Давоми кейинги сонда).

## Кулганга нима етсин

***— Мен кеча хотинимни «Отелло» спектаклига олиб тушдим.***

***— Маданий ҳордиқ чиқарибсан-да.***

***— Йўқ, олдиндан уни огоҳлантирдим.***

* * *

***Бир йигит шифокор қабулига кирибди:***

***— Доктор, ёрдам беринг, мен ярим гарангман.***

***— Бундай бўлиши мумкин эмас, ё кар бўлиш мумкин ёки соғлом!***

***— Сиз бир текшириб кўринг.***

***Шифокор йигит сўзларига ишонмай хона бурчагига бордида секин шивирлади:***

***— Қирқ тўрт!***

***Йигит такрорлади:***

***— Йигирма икки!***

Оҳангарон туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Туймеханова Феруза Исроиловна номига берилган O'R-Sh № 0472431 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные Устав и Учредительный договор СП "Hi-End Technical Advances",
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририят фахрийси **Тошпўлат САЛИХОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Курсисини итдан олган тўнгиз тиниб,*
*Шоҳсупага сичқон чиқар туя миниб.*
*Ваъдалари – ишланг тонгни улаб тунга*
*Омборларинг лим қиламан дону дунга.*

*Қайрамайди охурдаги махлуққа тиш*
*Кавшанганча, ўз навбатин кутган говмиш.*
*Акси, берар, қолмасин деб эси оғиб,*
*Кемирувчи болакайга сутин соғиб.*

*Қишни баҳор, баҳорни ёз, ёзимиз куз*
*Алмашмоқдан зерикмагай ҳали-ҳануз.*
*«365» кун ўтар, ўхшаб тушга,*
*Сичқончамиз айлангунча то говмушга.*



Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.

**"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади.**
Махсулот сертификатланган




Барча бож тўловлари ҳисоби билан
Тошкент шаҳри, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 54А,.Мўлжал: метронинг Буюк Ипак йўли бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www. kiamotors.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-40. Адади 10215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.15. 1 2 3 4 5 6